Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ХАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1997 йил 1 октябрь, чоршанба • № 78 (10.957) • Эркин нархда сотилади

МУАЛЛИМ – МИЛЛАТНИНГ ЮЗИ. ВАТАН ИСТИҚБОЛИНИНГ АСЛ БУНЁДКОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАЪРИФАТ АҲЛИГА

Қадрли устозлар ва мураббийлар!
Азиз ватандошлар!

Сизларни Ўқитувчилар ва мураббийлар куни билан чин қалбдан самимий табриклайман.

Бу кун айни йилдан эътиборан Ватанимизда миллий байрам сифатида нишонланмоқда. Шунинг ўзи ёш қалбларга эзгулик уруғини сочаётган, улар юрагида илм-маърифат машъалини ёқаётган сиз каби заҳматкаш касб соҳибларига давлатимиз ва халқимиз ҳурмат-эҳтиромининг яна бир ёрқин намунасидир.

Бугун биз жамиятимиз ҳаётида юксак маънавиятни барқарор этиш сиёсати йўлида аввалambor сиз азиз ўқитувчилар ва мураббийларга суянишимиз бежиз эмас. Негаки, фақат маърифатли, билимли инсонгина маънавиятли бўла олади.

Шу нуқтаи назардан қараганда, бугунги муаллимлар ва мураббийлар байрамини ҳақли равишда миллий маънавиятимиз ва маърифатимиз байрами, деб айтишимиз мумкин.

Муаллим — миллатнинг юзи. Ватан истиқболининг асл бунёдкори. Эртанги кунимиз, барча соҳалардаги ўзгариш ва янгиланишлар тақдири, қолаверса, мамлакатимиз тақдири сизнинг қўлингизда. Чунки замон сиздек азиз инсонлар зиммасига дунё илм-фани ютуқларидан яхши хабардор, жаҳоний миқёсларда халқимиз номидан баралла сўз айта олувчи, Ўзбекистон шаънини улуғлашга қодир фарзандларни камол топтиришдек ғоят масъулиятли вазифа юкламоқда.

Сизларнинг таълим соҳасидаги бой миллий анъаналар, замонавий тажрибаларни ўзида мужассам этувчи янги миллий дастуримизда кўзда тутилган улуғвор вазифаларни бажаришга қодир эканингизга ишончим комил.

Ана шу эзгу йўлдаги масъулиятли ва қутлуғ ишларимизда Оллоҳнинг ўзи сизларга мададкор бўлсин.

Байрам онларида барчангизни яна бир бор қутлаб, сизларга куч-қувват, сиҳат-саломатлик, оилавий фаровонлик тилайман.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом КАРИМОВ.

Бугун — ўқитувчилар ва мураббийлар куни

СИЗ АЗИЗСИЗ, СИЗ УЛУҒСИЗ!

Кеча Янгийўл шаҳридаги маданият саройида «Ўқитувчилар ва мураббийлар куни»га бағишланган вилоят тадбири бўлиб ўтди

Ҳа, ўқитувчи, муаллим, устознинг қадри Шарқда ҳамиша баланд бўлиб келган. Таъбир жоиз бўлса, республикамиз ўз мустақиллигига эришгандан кейин шахсан Президентимизнинг саъй-ҳаракати билан ана шу унутилган қадриятимиз тикланди. Ўқитувчи, муаллим, устоз яна азиз, яна улуғ бўлиб қолди...

30 сентябрь куни Янгийўл шаҳридаги маданият саройида ўқитувчилар ва мураббийлар куни муносабати билан бўлиб ўтган вилоят халқ таълими ходимларини шарафлашга бағишланган катта тадбирда бу сўзлар қайта-қайта тилга олинди.

Анжуманда вилоят ҳокимлиги бўлим ва бошқармалари бошлиқлари, вилоят, шаҳар ва туман халқ таълими бўлимларининг мудирлари ҳамда шаҳар ва туманлардан келган ўқитувчилар ва мураббийлар, таълим фахрийлари иштирок этдилар.

Йиғилишни вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Олег Тожиев бошқарди.

Анжуманда Тошкент вилояти ҳокими Эркин Рўзиев, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев сўзга чиқдилар.

Республикамизда таълимни ривожлантириш, ўқитувчиларнинг машаққатли меҳнатларини қадрлаш ва уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасида жуда катта ишлар қилинди ва қилинмоқда. Хусусан, Президентимизнинг бу соҳага оид қатор фармонлари ва ҳукумат қарорлари бунинг ёрқин мисолидир. 1997 — Инсон манфаатлари йилидан бошлаб 1 октябрнинг «Ўқитувчилар ва мураббийлар куни» сифатида умумхалқ байрами деб эълон қилиниши таълим ва тарбия тизими ходимларига кўрсатилган яна бир катта эътибор бўлди.

Бу бежиз эмас. Чунки мустақил мамлакатимизда ўқитувчи ва мураббийнинг тутган ўрни катта аҳамиятга эга. Улар келажак авлодни Ватанга меҳр-муҳаббат ва садоқат руҳида вояга етказиш, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда катта ҳисса қўшиб келаётган кишилардир.

Биргина Тошкент вилоятида бугунги кунда 38 мингдан ортиқ ўқитувчи ва мураббий 480 мингдан ортиқ фарзандларимизга сабоқ бермоқда. Мана шунинг ўзиёқ таълим тизими ходимларининг жуда катта куч ва қудратга эга эканликларини кўрсатиб турипти. Республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг Маърифат аҳлига йўллаган табрик хатида шундай сатрлар бор: «...бугунги маллимлар ва мураббийлар байрамини ҳақли равишда миллий маънавиятимиз ва маърифатимиз байрами деб айтишимиз мумкин». Дарҳақиқат, муаллим ўзгаришлар ва янгиланишлар тақдирини, келажак маърифатчиларини, муносиб ворисларини етказиб берувчи азиз инсондир.

Йиғилишда республика Президентининг Фармони билан мукофотланган вилоятимиздаги халқ таълими ходимларига юксак орден ва фахрий унвонлар ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

Йиғилиш қатнашчилари ўқитувчи, мураббий ва устозларга бўлган бундай эътибор учун Президентимиз номига миннатдорчилик мактуби йўлладилар.

Муаллим... У ёниб турган шаъмга ўхшайди гўё: атрофга иссиқ бир ёруғлик таратади-ю, ўзи ёлқин ичра кичрайиб-кичрайиб бораверади. Унинг қалб зиёсидан — маърифат нуридан баҳра олган мурғак диллар эса улғаяверади, улғаяверади... Вақти етиб шу шаъм тафтидан қувват олган парвоналар улуғ шоирларга, давлат арбобларига, ватанни ҳимоя қилувчи ботир ўғлонларга айланадилар. Муаллим эса уларга дуч келганда кўзларида ёш билан, қимтинибгина «менинг ўқувчим!» дейди ғурурланиб.

Ҳа, ўқитувчилик, мураббийлик ҳамма даврларда ҳам энг заҳматли касб ҳисобланган. Аммо бу соҳанинг ҳокисор, билимли кишилари қачон бугунгидек эъзоз ва эътибор топган? Ҳукуматимиз таълим тизимини янгилашга, фан-тарбия фидойиларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга тобора кўпроқ аҳамият қаратмоқда. Президентимизнинг байрам муносабати билан республика маърифат аҳлига йўллаган табригида ҳам шундай сатрлар бор: «...биз жамиятимиз ҳаётида юксак маънавиятни барқарор этиш сиёсати йўлида аввалambor Сиз азиз ўқитувчилар ва мураббийларга суянишимиз бежиз эмас. Негаки, маърифатли, билимли инсонгина маънавиятли бўла олади».

Яқинда таълим-тарбия соҳасидаги кўп йиллик хизматлари эвазига республикамиздаги бир гуруҳ устозлар ҳукуматимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирландилар. Улар орасида зангиоталик оддий муаллима Карима опа Вакилова ҳам бор. Ўз меҳнат фаолияти давомида юзлаб, минглаб болаларга билим берган, ўнлаб шогирдлар етиштирган Карима опа энди 1 даражали «Соқлом авлод учун» орденининг нишондоридир.

Суратда: Карима Вакилова машғулот пайтида.

Даврон АҲМАД олган сурат.

Дил изҳори

ДУНЁДА БИР СЎЗ БОР

ДУНЁДА бир сўз бор нондайин ширин... Дунёда бир зот бор отангиздек улуғ, онангиздек ҳокисор. Дилингизда бу сўзни такрорласангиз кўзингизда меҳр гуллайди. Кўнглингизнинг беғубор ойнасида бу зот юз очса беихтиёр болалик боғининг меҳрибон боғбони Сизга ҳикмат булоғидан сув тутган йилларни эслаб онаси қўксини излаган гўдак каби тамшаниб қўясиз.

Тамшанган дил... талпинган гўдак... Болаликнинг тотли хотиралари... Ва қаршингизда бутун жисму жони меҳрдан балқиб турган зот. Илк бор мактабга қадам қўйган кунларингизни эсланг. Сирли ҳаёт остонаси мактаб аталмиш маърифат чаманзорига борган болакайнинг бир оз қимтиниб, бироз ҳаяжон ва ширин титроқ оғушида истиқболига жилмайиб келаётган муаллимга термулиб турган дамлари — ҳар биримиз учун онгимизни ёритиб тургувчи унутилмас хотирадир.

Ота-она учун дунёда энг азиз кимса ўзининг фарзандлари. Улар қанча меҳрлари бўлса аввал ўз фарзандларига тўкадилар. Кейин ўзгалар ҳақида қуёшга тик қараб бўлмаганидек, устоз шаъни, унинг обрў-эътибори ўзлигини англаган инсон учун ҳамиша кўнгилнинг тўридадир. Кўнгилнинг тўри эса ҳар ўткинчи ташриф буюра олмайдиган муқаддас маскандир. Чунки биз тилимиз чиқиб илк бор талаффуз қилган сўзимиз бу — она, ота, нон, ош, сув... Бу сўзларни биз дастлаб меҳрибон онамиздан, отамиздан эшитганмиз ва уларнинг лаззатидан баҳраманд бўлганмиз. Аммо бизга алифбони ўргатиб, Ватан сўзини ёзиб кўрсатган, киндик қонинг томган муқаддас тупроқни бу дунёда энг табаррук жой эканлигини ўйлашлари мумкин. Лекин дунёда ҳамманинг ўғил-қизини бир хил меҳру ардоқ билан суя оладиган инсон бор — бу муаллим, бу устоз! «Устоз отангдан улуғ» деган халқ мақоли ҳам бу фидойи инсонлар меҳнатига берилган юксак баҳо, беқиёс ҳурмат намунасидир.

Устоз... Дарҳақиқат, бу сўз улуғлигида бир ҳикмат бор. Бу ҳикмат ўқувчи қалбида ёқилган чироқдирки, бу нурнинг қадри қуёш қадар сарбаланд. Зеро, таъкидлаган, юрт тупроғида ўсган ҳар бир гиёҳ ҳам жон қадар азизлигини уқтирган бу муаллимдир. Менинг биринчи ўқитувчим...

Агар мактаб кўрган ҳар бир одамдан ўқитувчиси ҳақида сўрасангиз сўзидан бол томиб бир неча устози номини тилга оладики, дафъатан эслаб қололмайсиз ҳам.

Ҳар бир элнинг эъзозли сиймосига айланган минглаб устозларнинг борлиги учун ҳам бу дунё яхшиларнинг қўлида. Дунёда яхшилик, меҳру

(Давоми 3-бетда).

МУНОСАБАТ

САФАР САБОҒИ

МАМЛАКАТИМИЗДА амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар, ҳамма соҳадаги ўзгаришлар пировардида инсонга, унинг турмуш фаровонлигини таъминлашга хизмат қилмоғи керак. Лўнда қилиб айтганда инсон ислоҳот учун эмас, ислоҳот инсон учун амалга оширилади.

РЕСПУБЛИКАМИЗ Президенти Ислом Каримов 26—27 сентябрь кунлари Хоразм ва Қашқадарё вилоятларига қилган сафари давомида бу масалани яна бир бор алоҳида таъкидлаб ўтди. «Ислоҳотларнинг моҳияти — халқ учун муносиб турмуш шароити яратиб бериш, содда қилиб айтганда, одамларни рози қилишдан иборатдир».

Бу фикрнинг жуда чуқур мазмун ва моҳияти бор. Дарҳақиқат, биз кўпинча ана шу масалага эътибор бермаймиз. Гўё йирик ишларни «баҳона» қилиб, халқнинг амалга ошираётган тадбирларини назардан четда қолдирамиз. Бунга қишлоқларда бунёд этилаётган уй-жойлар, маданий-маиший хизмат объектларини ва бошқа бунёдкорлик ишларини мисол қилиб келтириш мумкин. Хўш, якка уй-жой қурувчилар учун махсус лойиҳалар тайёрлаб берсак, уларга қурилиш материаллари етказиб беришда кўмаклашсак, коммуникация иншоотларини ҳозирданоқ режалар асосида амалга оширсак бўлмайдими? Афсуски, ана шу масалаларга эътиборсизлик оқибатида паст-баланд, қийшиқ-қинғир кўчалар, уй-жойлар қурилаётган ҳудудлар ҳали кўп. Демоқчимизки, айтилган қуйидаги фикр ҳаммамизни сабоқ чиқаришга ундайди. «Ахир XXI аср остонасида турганимизни, шу уйларда туғилажак фарзандларимиз келгуси асрда яшашини унутмайлик».

Ҳар икки вилоятлардаги сафар давомидаги мулоқотларни тинглар эканман, Юртбошимизнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» асаридаги қуйидаги сатрларни эсладим: «Бизларнинг ҳаммамиз бир нарсани яхши англаб олмоғимиз керак. Ҳаёт ривожланаверади, вазият ўзгараверади — демак, биз янгича ёндашувларни, ноанъанавий ечимларни излаб топмоғимиз лозим. Иқтисодий ислоҳотлар иккинчи босқичининг моҳияти ҳамда талаби ана шундан иборат».

Бундан икки йил бурун айтилган бу фикрлар ниҳоятда тўғри ва теран эканлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда. Юртбошимиз қаерда бўлмасин, ким билан суҳбатлашмасин, ислоҳотларни чуқурлаштириш, турмушимизни фаровонлаштириш, мавжуд муаммоларни ҳал этиш, камчиликларни тугатиш учун айнан янгича ёндашувлар, изланишлар зарурлигига асосий эътиборни қаратди. Ўз тавсиялари, фикр-мулоҳазаларини баён этди. Улар нафақат Хоразм ёки Қашқадарёга, балки бутун республика тараққиётига, ривожига доир мулоҳазалардир. Яна шуни таъкидлаш керакки, ҳеч бир соҳа Ислом Каримовнинг назаридан четда қолмади.

«Раҳбарларнинг ўз ишидан қониқмаслиги, доимий изланиши тараққиёт омилидир, — дея таъкидлади Президент. — Акс ҳолда тараққиёт тўхтайди. Шундай экан, ҳар бир мутасадди раҳбар ўзига мендан қандай бино, мактаб — умуман нима қолди? деган саволни бериб ишлаши лозим». Бу ҳам ҳар бир раҳбар сабоқ чиқариб олиши зарур бўлган сўзлардир.

Президентимиз Ўзбекистон тараққиёти билан боғлиқ мавзуда нутқ сўзлар экан, ҳеч қачон қишлоқ хўжалигини четлаб ўтган эмас. 1994 йилнинг февраль ойида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган йиғилишда у «Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш — бу нафақат иқтисодий, балки сиёсий масалага айланмоқда», деган эди. Мустақилликка эришилгандан буён етакчи тармоқни ривожлантиришга, энг муҳими қишлоқда мулк эгасини шакллантиришга алоҳида эътибор берилди. Бугун ислоҳотларнинг натижалари беистисно ўзининг самараларини бермоқда. Хусусан, пахтачиликда ҳам бир қатор янгиликлар, навлар, тажрибалар юзага келди. Пленка остига чигит экиш борасидаги андижонликлар усули жадал оммалашиб бормоқда.

Булар яхши. Лекин масалага чуқурроқ ёндошсак, ҳали жуда катта имкониятларга эга бўлган Ўзбекистон заминидан кутилган ҳосил ва самара олинмаётганлиги маълум бўлади. Ҳалигача бир қатор вилоятлар ва туманларда ўзининг иқлимига, ерига мос пахта навларининг йўқлиги ҳам ана шунинг бир кўринишидир. Бу ўз-ўзидан ғўзанинг яхши ривожланмаслигига, етарли ҳосил бермаслигига, энг ачинарлиси кечикишига сабаб бўлмоқда. Буни инкор этиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам Президентимиз «Ҳар бир туманда битта асосий нав экилиши, икки хил нав эса синовда бўлиши лозим»,* — деди. Дарҳақиқат, келгуси мўл ҳосил учун эртага эмас, бугун қайғуриш, изланиш зарур. Ана шундагина эртанги хирмон эртаги ва мўл бўлади.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш борасида чиқарилган Президент фармонлари ва ҳукумат қарорлари қандай ишлаяпти? Бу масала ҳам алоҳида ўрин эгаллади. Сабаби маълум. Кўп жойда ер, мулк эгалари ана шу фармон ва қарорларда кўрсатиб ўтилган ҳақ-ҳуқуқларидан фойдалана олмаяптилар. Бунинг иккита сабаби бор: биринчидан, одамларимизда ҳуқуқий билимнинг етарли эмаслиги, иккинчидан, жойларда бўлаётган сунъий тўсиқлардир. Бунга барҳам берадиган вақт аллақачон келди.

Қайси соҳада бўлмасин ишнинг муваффақияти кадрларга, раҳбарнинг фидойилиги ва салоҳиятига боғлиқ. У қанчалик кўп халқнинг ичига кирса, унинг ютуқлари, муаммоларини ўз кўзи билан кўрса, таклиф-мулоҳазаларини тингласа шунчалик яхши бўлади. Президентимизнинг ҳар икки вилоятга қилган сафари бу борада бизни янгича ҳаракат қилишга чорлайди, десак муболаға бўлмас. Зеро, Ислом Каримов футболни ривожлантиришдан тортиб, иқтисодий ислоҳотларнинг изчиллигини таъминлаш, ижтимоий соҳаларни ривожлантиришгача ўзининг жонли тавсия ва таклифларини билдирди.

Айниқса, унинг қуйидаги сўзлари ҳар бир кишидан чуқур сабоқ чиқариб олишни тақозо этади: «Камчиликларга келсак, давлат ҳам оиладек гап, ундаги жараён, ютуқ ва камчиликлардан мамлакат раҳбари доимо хабардор бўлиши, керак бўлса ёрдам бериши лозим. Чунки мақсадимиз бир — мустақил, яхлит Ўзбекистонимиз тараққиётини янада тезлатиш, халқимизни ёруғ кунларга тезроқ етказиш, азиз Ватанимизнинг дунё ҳамжамиятида барча соҳада муносиб ўрин эгаллашига эришишдир».

Ҳа, бу ҳар биримиздан фидойиликни, Ватан равнақи йўлида ташаббус кўрсатиб, изланиб, меҳнат қилишга чорловчи сўзлардир.

Фатҳиддин ФАЗЛИДДИНОВ.

Пахта — 97

ИККИ БРИГАДА МАРРАГА ЕТДИ

ЎРТАЧИРЧИҚ. Акмал Икромов номли деҳқонлар уюшмаси пахтакорлари туманда йиғим-теримда пешқадамлик қилмоқдалар. Бунда Турсунмат Бойзоқов, Мирзапўлат Койметовлар бошлиқ бригадалар деҳқонларининг ҳиссаси катта бўлаётир.

Кеча хўжаликдан дастлабки хушхабарни олдик. Бу ҳар икки бригада туманда биринчилардан бўлиб режани бажарди. Т. Бойзоқов бошлиқ жамоа аъзолари 20 иш кунида 95 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 22,5 центнердан, Мирзапўлат Койметов етакчилигидаги бригада деҳқонлари эса 40 гектар ердан 27,1 центнердан ҳосил топширдилар.

Жамоалардаги илғор механизаторлар 100—120 тоннадан пахта тердилар. Айрим чевар теримчиларнинг шу кунгача уйган хирмонлари 2—2,5 тоннага етиб қолди.

Ҳар икки бригада дала меҳнаткашлари йиғим-теримни қизғин давом эттириб, ҳосилдорликни 30—32 центнерга етказиш учун курашмоқдалар.

У. ҲАМИДОВ.

ЭЛЛИКДАН ОШИРГАНЛАРГА БЕШ ЯРИМ СЎМДАН...

3-қишлоқ қурилиш корхонаси ишчи-хизматчилари вакилларидан тузилган зарбдор гуруҳнинг Қуйичирчиқ туманидаги «Гулистон» жамоа хўжалиги далаларида йиғим-теримда қатнашаётганликларига ҳали кўп бўлгани йўқ. Бироқ ҳозирнинг ўзидаёқ ҳашарчилардан Бўриш Иброҳимов, Қодир Абдуқаюмов, Азим Иброҳимовларнинг ҳисобига ўртача 1100—1400 килодан пахта ёзиб қўйилди.

БУ БЕЖИЗ эмас. Ҳашарчи меҳнати икки томонлама қадрланаяпти. Маъмурият кўп пахта терганларга рўзғорларида ишлатиш учун текинга пиёз беряпти.

— Биз ҳам қараб турмаяпмиз, — дейди корхона раҳбари Сафар Шайхисломов, — хўжалик Вазирлар Маҳкамасининг қарори бўйича ҳар бир килограмм терилган пахта учун 3,5 сўмдан тўланадиган ҳақни ўз вақтида бериб турибди. Биз ҳам имконият қидирдик. 50 килодан ошириб пахта терган ҳашарчиларга ташкилот ҳисобидан асосий ҳақларига қўшиб яна 2 сўмдан пул беряпмиз.

Табиийки, бу тадбир ва ташаббус ҳашарчиларнинг ғайратини ошириб юборди. Тўғрида! Бир кунда 100 килограмм пахта терсангиз нақд 550 сўм пул ишлайсиз.

Айни пайтда кунига 550 сўмлик бўлаётган ҳашарчилар сони ортиб бораяпти. Зарбдор гуруҳ аъзолари мавсумда 45 тонна пахта териб топшириш юзасидан сўз берганлар. Улар ҳозиргидек, шижоат ва суръат билан ишласалар, бу ваъдаларини ошириб адо этадилар.

Наима ЗОКИРОВА.

ВИЛОЯТ ТУМАНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА

1997 йил 30 сентябргача бўлган

МАЪЛУМОТ

(Режага нисбатан фоиз ҳисобида)

Туманлар	бир кунда	мавсум бошидан буён
Чиноз	2,67	43,56
Ўртачирчиқ	3,17	38,56
Янгийўл	2,52	33,64
Бекобод	2,25	31,65
Бўка	2,47	29,23
Юқоричирчиқ	3,27	27,78
Пскент	2,03	27,76
Қуйичирчиқ	1,85	19,93
Оққўрғон	0,27	3,54
Вилоят бўйича	2,17	26,61
1996 йилда бўлган ади	2,41	24,76

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

ТАЪЛИМ ТЎҒРИСИДА

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонун фуқароларга таълим, тарбия бериш, касб-ҳунар ўргатишнинг ҳуқуқий асосларини белгилайди ҳамда ҳар кимнинг билим олишдан иборат конституциявий ҳуқуқини таъминлашга қаратилган.

2-модда. Таълим тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Таълим тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонундан ҳамда бошқа қонун ҳужжатларидан иборат.

Қорақалпоғистон Республикасида таълим соҳасидаги муносабатлар Қорақалпоғистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинади.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида таълим тўғрисидаги қонун ҳужжатларидагидан ўзгача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари

Таълим Ўзбекистон Республикаси ижтимоий тараққиёти соҳасида устувор деб эълон қилинади.

Таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

таълим ва тарбиянинг инсонпарвар, демократик характерда эканлиги;

таълимнинг узлуксизлиги ва изчиллиги;

умумий ўрта, шунингдек ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг мажбурийлиги;

ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналишини: академик лицейда ёки касб-ҳунар коллежида ўқишни танлашнинг ихтиёрийлиги;

таълим тизимининг дунёвий характерда эканлиги;

давлат таълим стандартлари доирасида таълим олишнинг ҳамма учун очиқлиги;

таълим дастурларини танлашга ягона ва табақалаштирилган ёндашув;

билимли бўлишни ва истеъдодни рағбатлантириш;

таълим тизимида давлат ва жамоат бошқарувини уйғунлаштириш.

4-модда. Билим олиш ҳуқуқи

Жинси, тили, ёши, ирқий, миллий мансублиги, эътиқоди, динга муносабати, ижтимоий келиб чиқиши, хизмат тури, ижтимоий мавқеи, турар жойи, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қанча вақт яшаётганлигидан қатъи назар, ҳар кимга билим олишда тенг ҳуқуқлар кафолатланади.

Билим олиш ҳуқуқи:

давлат ва нодавлат таълим муассасаларини ривожлантириш;

ишлаб чиқаришдан ажралган ва ажралмаган ҳолда таълим олишни ташкил этиш;

таълим ва кадрлар тайёрлаш давлат дастурлари асосида бепул ўқитиш, шунингдек таълим муассасаларида шартнома асосида тўлов эвазига касб-ҳунар ўргатиш;

барча турдаги таълим муассасаларининг битирувчилари кейинги босқичдаги ўқув юртларига киришда тенг ҳуқуқларга эга бўлиши;

оилада ёки ўзи мустақил равишда билим олган фуқароларга аккредитациядан ўтган таълим муассасаларида экстернат тартибида аттестациядан ўтиш ҳуқуқини бериш орқали таъминланади.

Бошқа давлатларнинг фуқаролари Ўзбекистон Республикасида халқаро шартномаларга мувофиқ билим олиш ҳуқуқига эга.

Республикада истиқомат қилаётган фуқаролиги бўлмаган шахслар билим олишда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан тенг ҳуқуқларга эга.

5-модда. Педагогик фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқи

Тегишли маълумоти, касб тайёргарлиги бор ва юксак ахлоқий фазилатларга эга бўлган шахслар педагогик фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эга.

Педагог ходимларни олий ўқув юртларига ишга қабул қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлаган Низомга мувофиқ танлов асосида амалга оширилади.

Педагогик фаолият билан шуғулланиш суд ҳукмига асосан ман этилган шахслар таълим муассасаларида бу фаолият билан шуғулланишига йўл қўйилмайди.

6-модда. Таълим муассасасининг ҳуқуқий мақоми

Таълим муассасасини аккредитациялаш ваколатли давлат органи томонидан аттестацияга асосан амалга оширилади.

Таълим муассасаси юридик шахс бўлиб, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда барпо этилади. Нодавлат таълим муассасаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилаган тартибда давлат аккредитациясидан ўтган пайтдан бошлаб юридик шахс ҳуқуқлари ва таълим фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эга бўлади.

Таълим муассасаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган устав асосида фаолият кўрсатади.

Таълим муассасаси аттестация натижаларига биноан давлат аккредитациясидан маҳрум этилиши мумкин.

Таълим муассасалари ўқув-тарбия мажмуиларига ҳамда ўқув-илмий-ишлаб чиқариш бирлашмалари ва уюшмаларига бирлашишга ҳақли.

Таълим муассасалари уставда белгиланган вазифаларига мувофиқ пулли таълим хизматлари кўрсатиш, шунингдек тадбиркорлик фаолиятининг бошқа турлари билан шуғулланишга ҳақли.

7-модда. Давлат таълим стандартлари

Давлат таълим стандартлари умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим мазмунига ҳамда сифатига қўйиладиган талабларни белгилайди.

Давлат таълим стандартларини бажариш Ўзбекистон Республикасининг барча таълим муассасалари учун мажбурийдир.

8-модда. Таълим бериш тили

Таълим муассасаларида таълим бериш тилидан фойдаланиш тартиби «Давлат тили ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан тартибга солинади.

II. ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ВА ТУРЛАРИ

9-модда. Таълим тизими

Ўзбекистон Республикасининг таълим тизими қуйидагиларни ўз ичига олади:

давлат таълим стандартларига мувофиқ таълим дастурларини амалга оширувчи давлат ва нодавлат таълим муассасалари;

таълим тизимининг фаолият кўрсатиши ва ривожланишини таъминлаш учун зарур бўлган тадқиқот ишларини бажарувчи илмий-педагогик муассасалар;

таълим соҳасидаги давлат бошқарув органлари, шунингдек уларга қарашли корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар.

Ўзбекистон Республикасининг таълим тизими ягона ва узлуксиздир.

10-модда. Таълим турлари

Ўзбекистон Республикасида таълим қуйидаги турларда амалга оширилади:

мактабгача таълим;

умумий ўрта таълим;

ўрта махсус, касб-ҳунар таълими;

олий таълим;

олий ўқув юртидан кейинги таълим;

кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш;

мактабдан ташқари таълим.

11-модда. Мактабгача таълим

Мактабгача таълим бола шахсини соғлом ва етук, мактабда ўқишга тайёрланган тарзда шакллантириш мақсадини кўзлайди. Бу таълим олти-етти ёшгача оилада, болалар боғчасида ва мулк шаклидан қатъи назар, бошқа таълим муассасаларида олиб борилади.

12-модда. Умумий ўрта таълим

Умумий ўрта таълим босқичлари қуйидагича:

бошланғич таълим (I-IV синфлар);

умумий ўрта таълим (I-IX синфлар).

Бошланғич таълим умумий ўрта таълим олиш учун зарур бўлган саводхонлик, билим ва кўникма асосларини шакллантиришга қаратилгандир. Мактабнинг биринчи синфига болалар олти-етти ёшдан қабул қилинади.

Умумий ўрта таълим билимларнинг зарур ҳажмини беради, мустақил фикрлаш, ташкилотчилик қобилияти ва амалий тажриба кўникмаларини ривожлантиради, дастлабки тарзда касбга йўналтиришга ва таълимнинг навбатдаги босқичини танлашга ёрдам беради.

Болаларнинг қобилияти, истеъдодини ривожлантириш учун ихтисослаштирилган мактаблар ташкил этилиши мумкин.

13-модда. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими олиш мақсадида ҳар ким умумий ўрта таълим асосида академик лицейда ёки касб-ҳунар коллежида ўқишнинг йўналишини ихтиёрий равишда танлаш ҳуқуқига эга.

Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари эгалланган касб-ҳунар бўйича ишлаш ҳуқуқини берадиган ҳамда бундай иш ёки таълимни навбатдаги босқичда давом эттириш учун асос бўладиган ўрта махсус, касб-ҳунар таълими беради.

Академик лицей ўқувчиларнинг интеллектуал қобилиятларини жадал ўстиришни, уларнинг чуқур, табақалаштирилган ва касб-ҳунарга йўналтирилган билим олишларини таъминлайдиган уч йиллик ўрта махсус ўқув юртидир.

Касб-ҳунар коллежи ўқувчиларнинг касб-ҳунарга мойиллиги, маҳорат ва малакасини чуқур ривожлантиришни, танланган касблар бўйича бир ёки бир неча ихтисос олишни таъминлайдиган уч йиллик ўрта касб-ҳунар ўқув юртидир.

14-модда. Олий таълим

Олий таълим юқори малакали мутахассислар тайёрлашни таъминлайди.

Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш олий ўқув юртларида (университетлар, академиялар, институтлар ва олий мактабнинг бошқа таълим муассасаларида) ўрта махсус, касб-ҳунар таълими асосида амалга оширилади.

Олий таълим икки босқичга: давлат томонидан тасдиқланган намунадаги олий маълумот тўғрисидаги ҳужжатлар билан далилланувчи бакалавриат ва магистратурага эга.

Бакалавриат олий таълим йўналишларидан бири бўйича пухта билим берадиган, ўқиш муддати камида тўрт йил бўлган таянч олий таълимдир.

Магистратура аниқ мутахассислик бўйича бакалавриат негизида камида икки йил давом этадиган олий таълимдир.

Фуқаролар иккинчи ва ундан кейинги олий маълумотни шартнома асосида олишга ҳақлидирлар.

15-модда. Олий ўқув юртидан кейинги таълим

Олий ўқув юртидан кейинги таълим жамиятнинг юқори малакали илмий ва илмий-педагогик кадрларга бўлган эҳтиёжларини таъминлашга қаратилгандир. Олий ўқув юртидан кейинги таълим олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот муассасаларида (аспирантура, адъюнктура, докторантура, мустақил тадқиқотчилик) олиниши мумкин.

Илмий ва илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш, илмий даражалар ва унвонлар бериш тартиби қонун ҳужжатларида белгиланади.

16-модда. Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш

Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш касб билимлари ва кўникмаларини чуқурлаштириш ҳамда янгилашни таъминлайди.

Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

17-модда. Мактабдан ташқари таълим

Болалар ва ўсмирларнинг якка тартибдаги эҳтиёжларини қондириш, уларнинг бўш вақти ва дам олишини ташкил этиш учун давлат органлари, жамоат бирлашмалари, шунингдек бошқа юридик ва жисмоний шахслар маданий-эстетик, илмий, техникавий, спорт ва бошқа йўналишларда мактабдан ташқари таълим муассасаларини ташкил этишлари мумкин.

Мактабдан ташқари таълим муассасаларига болалар, ўсмирлар ижодиёти саройлари, уйлари, клублари ва марказлари, болалар-ўсмирлар спорт мактаблари, санъат мактаблари, мусиқа мактаблари, студиялар, кутубхоналар, соғломлаштириш муассасалари ва бошқа муассасалар киради.

Мактабдан ташқари таълим муассасаларини ташкил этиш ва уларнинг фаолият кўрсатиш тартиби қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилади.

18-модда. Оиладаги таълим ва мустақил равишда таълим олиш

Давлат оилада таълим олишга ва мустақил равишда таълим олишга кўмаклашади. Болаларни оилада ўқитиш ва мустақил равишда таълим олиш тегишли таълим муассасаларининг дастурлари бўйича амалга оширилади. Таълим олувчиларга ваколатли давлат муассасалари томонидан услубий, маслаҳат ва бошқа йўсинда ёрдам кўрсатилади.

19-модда. Таълим тўғрисидаги ҳужжатлар

Аккредитация қилинган таълим муассасаларининг битирувчиларига давлат томонидан тасдиқланган намунадаги маълумот тўғрисидаги ҳужжат (шаҳодатнома, диплом, сертификат, гувоҳнома) берилади. Давлат томонидан тасдиқланган намунадаги маълумот тўғрисидаги ҳужжат оилада таълим олган ёки мустақил равишда билим олган ва аккредитация қилинган таълим муассасаларининг тегишли таълим дастурлари бўйича экстерн тартибида имтиҳонлар топширган шахсларга ҳам берилади, давлат таълим муассасаларида ўқитилиши шарт бўлган ва рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгилаб қўйиладиган мутахассисликлар бундан мустасно.

Олий маълумот тўғрисидаги дипломга ўзлаштирилган фанлар рўйхати, уларнинг ҳажмлари ва фанларга қўйилган баҳолар ёзилган варақа илова қилинади.

Диссертация ҳимоя қилган шахсларга белгиланган тартибда фан номзоди ёки фан доктори илмий даражаси берилади ва давлат томонидан тасдиқланган намунадаги диплом топширилади.

Давлат таълим стандартларига мос келган тақдирда Ўзбекистон Республикаси билан хорижий давлатларнинг ҳукуматлари ўртасидаги икки томонлама битимлар асосида ҳар икки томоннинг маълумот тўғрисидаги ҳужжатлари белгиланган тартибда ўзаро тан олиниши мумкин.

Тегишли босқичдаги таълимни тугалламаган шахсларга белгиланган намунадаги маълумотнома берилади.

Давлат тасдиқлаган намунадаги маълумот тўғрисидаги ҳужжат навбатдаги босқич таълим муассасаларида таълим олишни давом эттириш ёки тегишли ихтисос бўйича ишлаш ҳуқуқини беради.

III. ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИ ҚАТНАШЧИЛАРИНИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШ

20-модда. Таълим олувчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш

Таълим муассасасида таълим олувчилар қонун ҳужжатларига ва норматив ҳужжатларга мувофиқ имтиёзлар, стипендия ва ётоқхонада жой билан таъминланади.

21-модда. Таълим муассасалари ходимларини ижтимоий ҳимоя қилиш

Таълим муассасалари ходимларига иш вақтининг қисқартирилган муддати белгиланади, ҳақи тўланадиган йиллик узайтирилган таътиллар ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган имтиёзлар берилади.

Таълим муассасалари иш ҳақига мўлжалланган мавжуд маблағлар доирасида мустақил равишда ставкалар, мансаб окладларига табақалаштирилган устама белгилашга ҳамда меҳнатга ҳақ тўлаш ва рағбатлантиришнинг турли шаклларини қўллашга ҳақли.

22-модда. Етим болаларни ва ота-оналарининг ёки бошқа қонуний вакилларининг васийлигисиз қолган болаларни ўқитиш

Етим болаларни ва ота-оналарининг ёки бошқа қонуний вакилларининг васийлигисиз қолган болаларни ўқитиш ва уларни боқиш давлатнинг тўла таъминоти асосида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

23-модда. Жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсони бўлган болалар ва ўсмирларни ўқитиш

Жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсони бўлган, шунингдек узоқ вақт даволанишга муҳтож болалар ва ўсмирларни ўқитиш, уларни тарбиялаш ҳамда даволаш учун ихтисослаштирилган таълим муассасалари ташкил этилади. Болалар ва ўсмирларни ушбу таълим муассасаларига юбориш ва улардан чиқариш ота-оналарининг ёки бошқа қонуний вакилларининг розилиги билан психологик-тиббий-педагогик комиссиянинг хулосасига биноан амалга оширилади.

Ихтисослаштирилган таълим муассасаларининг ўқувчилари қисман ёки тўла давлат таъминотида бўлади.

24-модда. Ижтимоий ёрдамга ва тикланишга муҳтож бўлган шахслар учун ўқув-тарбия муассасалари

Алоҳида шароитларда тарбияланиш ва ўқишга муҳтож болалар ва ўспиринлар учун уларнинг билим олиши, касб тайёргарлиги ва ижтимоий тикланишини таъминлайдиган ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари ташкил этилади.

Озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ижро этиш муассасаларида сақланаётган шахсларнинг таълим олиши ва мустақил билим олиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шароитлар яратилади.

IV. ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ БОШҚАРИШ

25-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таълим соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таълим соҳасидаги ваколатларига қуйидагилар киради:

таълим соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш;

таълим соҳасидаги давлат бошқаруви органларига раҳбарлик қилиш;

таълимни ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

таълим муассасаларини ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш тартибини белгилаш;

таълим муассасаларини аккредитациядан, педагог, илмий кадрларни аттестациядан ўтказиш тартибини белгилаш;

бошқа давлатларнинг таълим муассасаларига Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида таълим фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи рухсатномалар бериш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ хорижий давлатларнинг таълим тўғрисидаги ҳужжатларини тан олиш ва бу ҳужжатларнинг эквивалент эканлигини қайд этиш тартибини белгилаш;

давлат таълим стандартларини тасдиқлаш;

давлат томонидан тасдиқланган намунадаги маълумот тўғрисидаги ҳужжатларни тасдиқлаш ва уларни бериш тартибини белгилаш;

давлат грантлари миқдорини ва таълим муассасаларига қабул қилиш тартибини белгилаш;

давлат олий таълим муассасасининг ректорларини тайинлаш;

таълим олувчиларни аккредитация қилинган бир таълим муассасасидан бошқасига ўтказиш тартибини белгилаш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатлар.

26-модда. Таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органларининг ҳуқуқ доираси

Таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органларининг ҳуқуқ доирасига қуйидагилар киради:

таълим соҳасида ягона давлат сиёсатини рўёбга чиқариш;

таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш ва услуб масалаларида уларга раҳбарлик қилиш;

давлат таълим стандартлари, мутахассисларнинг билим савияси ва касб тайёргарлигига бўлган талаблар бажарилишини таъминлаш;

ўқитишнинг илғор шаклларини ва янги педагогик технологияларни, таълимнинг техник ва ахборот воситаларини ўқув жараёнига жорий этиш;

ўқув ва ўқув-услубият адабиётларини яратиш ва нашр этишни ташкил қилиш;

таълим олувчиларнинг якуний давлат аттестацияси ва давлат таълим муассасаларида экстернат тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш;

давлат олий таълим муассасасининг ректорини тайинлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиш;

педагог ходимларни тайёрлашни, уларнинг малакасини оширишни ва қайта тайёрлашни ташкил этиш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатлар.

27-модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг таълим соҳасидаги ваколатлари

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари:

таълим муассасалари фаолиятининг минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш эҳтиёжларига мувофиқлигини таъминлайдилар;

таълим муассасаларини ташкил этадилар, қайта ташкил этадилар ва тугатадилар (республика тасарруфида бўлган муассасалар бундан мустасно), уларнинг уставларини рўйхатга оладилар;

ўз ҳудудларидаги таълим муассасаларини ваколат доирасида молиялаш миқдорларини ва имтиёзларни белгилайдилар;

таълим сифати ва даражасига, шунингдек педагог ходимларнинг касб фаолиятига бўлган давлат талабларига риоя этилишини таъминлайдилар;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга оширадилар.

28-модда. Таълим муассасасини бошқариш

Таълим муассасасини унинг раҳбари бошқаради.

Таълим муассасаларида қонун ҳужжатларига мувофиқ фаолият кўрсатадиган жамоат бошқаруви органлари ташкил этилиши мумкин.

29-модда. Таълим соҳасидаги давлат бошқаруви органлари билан нодавлат таълим муассасалари ўртасидаги ўзаро муносабатлар

Таълим соҳасидаги давлат бошқаруви органлари нодавлат таълим муассасаларида таълим тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини назорат қилади.

Нодавлат таълим муассасалари таълим тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузган тақдирда, аккредитация қилган органлар уларнинг фаолиятини қонун ҳужжатларига мувофиқ тўхтатиб қўйишга ҳақли.

Нодавлат таълим муассасаларига қабул давлат ўқув юртлари учун белгиланган тартибда ва муддатларда амалга оширилади.

V. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

30-модда. Ота-оналар ёки қонуний вакилларнинг вазифалари

Вояга етмаган болаларнинг ота-оналари ёки қонуний вакиллари болаларнинг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишлари шарт ҳамда уларнинг тарбияси, мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими олишлари учун жавобгардирлар.

31-модда. Таълимни молиялаш

Давлат таълим муассасаларини молиялаш республика ва маҳаллий бюджетлар маблағлари, шунингдек бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

32-модда. Таълимни ривожлантириш фондлари

Таълимни ривожлантириш фондлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда юридик ва жисмоний шахсларнинг, шу жумладан чет эллик юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий бадаллари ҳисобидан ташкил этилиши мумкин.

33-модда. Халқаро ҳамкорлик

Таълим муассасалари таълим муаммолари юзасидан халқаро ҳамкорликда иштирок этадилар, чет давлатларнинг тегишли ўқув юртлари билан бевосита алоқалар ўрнатиш, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда улар билан қўшма ўқув юртлари ташкил этиш ҳуқуқига эга.

34-модда. Таълим тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Таълим тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузишда айбдор бўлган шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1997 йил 29 август.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚАРОРИ

«ТАЪЛИМ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИНИ АМАЛГА КИРИТИШ ТАРТИБИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. «Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни эълон қилинган кундан эътиборан амалга киритилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, «Таълим тўғрисида»ги Қонуннинг умумий ўрта таълим олишга, уч йиллик академик лицейларда ва касб-ҳунар коллежларида ўқишга ҳамда олий маълумотли мутахассислар тайёрлашга тааллуқли 12, 13 ва 14-моддаларидаги қоидалар Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган муддатларда жорий этилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳукумат қарорларини «Таълим тўғрисида»ги Қонунга мувофиқлаштирсин, вазирликлар ва идоралар мазкур Қонунга зид бўлган ўз норматив ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

4. Белгилаб қўйилсинки, қонун ҳужжатлари «Таълим тўғрисида»ги Қонунга мувофиқлаштирилгунга қадар Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонун ҳужжатларининг мазкур Қонунга зид бўлмаган қисми қўлланилади.

5. 1992 йил 2 июлда қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, № 9, 342-модда; 1993 йил, № 6, 268-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси
Э. ХАЛИЛОВ.

Тошкент шаҳри,
1997 йил 29 август.

МУАЛЛИМ — МИЛЛАТНИНГ ЮЗИ. ВАТАН ИСТИҚБОЛИНИНГ АСЛ БУНЁДКОРИ

Сўз — мукофотланганларга

РУҲЛАНИБ КЕТДИМ

ҲАР бир инсон маълум бир ёшга боргандан кейин ортига назар ташлаб босиб ўтган йўлларини, фаолиятини сарҳисоб қилиб кўради. Ўз меҳнатига баҳо беради. Шулар ҳақида ўйлар эканман, умрим зое ўтмаётганлигидан кўнглим тўлади. Кўп йиллардан бери ёш авлодга тил-адабиётдан дарс бериб келаман.

Яширишнинг ҳожати йўқ. Собиқ иттифоқ даврида ўз маънавиятимиз бойликларини ўқувчиларга етказишнинг имкони йўқ эди. Энди мустақил юрт бўлдик. Истиқлолни кўзлаган, аммо, орзулари ушалмаган улуғ адибларимиз асарларини ўқувчиларга чуқур ўргатаяпмиз.

Шуни айтиш керакки, кейинги беш-олти йил ичида мамлакатимизда илму маърифатга, ўқитувчига эътибор ортди. Мен ҳам ана шу сафда эканлигимдан хурсандман. Президентимизнинг фармони билан кўп йиллик хизматим тақдирланган куни бошим кўкка етди. Муаллим меҳнатига бўлган хурмат-эътибордан фахрланиб кетдим.

Республикамизда 1 октябрь — «Ўқитувчилар ва мураббийлар куни» деб эълон қилинишининг ўзиёқ бу соҳага Юртбошимиз қанчалик аҳамият бераётганлигини кўрсатиб турибди. Меҳнатимизга бўлган бундай муносабат мени руҳлантириб юборди. Ёш авлод тарбияси йўлида куч ва ғайратимни аямай, бундан буён ҳам ўз бурчимни сидқидилдан адо этишга интилавераман.

Рисолат ИСМОИЛОВА,
Бекобод тумани, 2-мактаб ўқитувчиси, «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган Халқ Таълими Ходими».

ФАХРЛАНАМАН

Ҳурматли таҳририят! Ушбу мактубни бир қишлоқ ўқитувчисининг Юртбошимизга ташаккурномаси деб билгайсиз. Сизларга мактуб йўллар эканман, ҳис-ҳаяжонимни, миннатдорчилигимни баён қилишга сўз тополмайдигандекман. Боиси 40 йиллик камтарин меҳнатим мустақил республикамизнинг шундай улуғ мукофотига лойиқ кўрилади, деб ўйламагандим.

Бу мукофот, албатта, мен меҳнат қилаётган қадрдон жамоанинг, қолаверса туманимиз, вилоятимиз педагогларининг фидойи хизматларига берилган катта эътибор тимсолидир. Олтмиш йиллик умр йўлимга қарасам — бугун мустақил юрт ривожига камарбаста бўлаётган ўнлаб шогирдларимни кўриб фахрга тўламан. Улар турли касб эгалари. Олимлар, шоирлар, ёзувчилар, техника соҳиблари...

«Барпо этаётган ҳуқуқий демократик давлатимиз учун фидойи фарзандларни камолга етказиш бундан буён ҳам энг муҳим вазифамиздир. Зеро, мамлакатимизни хорижий давлатлар даражасига олиб чиқиш учун, билимдон, юксак малакага эга бўлган кадрлар керак. Шундай экан, биз педагоглар Президентимизнинг бир қатор нутқларида, хусусан, республика Олий Мажлисининг сессияларидаги нутқларидан хулоса чиқариб, ёш авлодга замон талаблари даражасида билим бериш, уларнинг қобилиятини ҳар томонлама камол топтириш омилларини ишга солишимиз керак. Ўқитувчи ва мураббий шахсига давлат миқёсида берилаётган эътибор шуни тақозо этади.

Пўлат ЁҚУБОВ,
Паркент туманидаги 1-мактаб ўқитувчиси, «Ўзбекистон Республикаси Халқ ўқитувчиси».

БАХТИЁРМАН

БУГУН бу сўзга алоҳида урғу бериб айтгим келади. Чунки миллатидан, ирқи, дини, эътиқодидан қатъий назар ҳар бир фуқаронинг меҳнатини муносиб қадрлайдиган озод юрт ўқитувчиси бўлиш шахсан мен учун катта бахт. Буни ўз фаолиятимда ёрқин кўрдим. Президентимиз фармони билан «Дўстлик» ордени билан тақдирландим.

Албатта, ҳали бу мукофот олдида катта қарздорман. Буни ўзим яхши ҳис этаман. Зеро, ўқитувчи сифатида янги барпо этилаётган жамиятимизнинг даврбоп талабларига жавоб бериш учун бундан буён янада кўпроқ ўз устимда ишлашим, кўпроқ ўрганишим ва билганларимни ёш авлодга етказишим керак бўлади.

Ўқитувчи сўзининг замирида катта маъно ётипти. Бу касбнинг фахрли томонлари кўп. Демак, сен ўз билиминг, дунёқарашинг, малаканг, юриш-туришинг билан кимгадир устозлик қиласан. Бу ниҳоятда катта масъулият. Бунинг уддасидан чиқиш учун эса тинмай изланиш, интилиш керак. Чунки фақат ижодкор, бугунги кун руҳини ҳис этган ўқитувчигина ўз ўқувчиларининг ҳақиқий меҳрини қозона олади.

Бугун Президентимиз ташаббуси билан бошланган ва анъанага айланиб қоладиган улуғ байрам — ўқитувчилар ва мураббийлар кунида барча касбдошларимни бу айём билан табриклайман. Уларнинг машаққатли, лекин шарафли ишларига ривож тилайман.

Нина РАБОТКИНА,
Қуйичирчиқ тумани 8-мактаб бошланғич синф ўқитувчиси, «Дўстлик» ордени нишондори.

ДУНЁДА БИР СЎЗ БОР

(Давоми. Боши 1-бетда).

оқибат, илму ҳикмат, савоб ва саховат устивор. Қайсики, юрт фуқаролари тинч, осойишта яшаб, аҳиллик билан жамият ривожи йўлида ҳамкору ҳамқадам бўлиб тер тўкаётган экан, бу диёрга улуғларнинг руҳи ёр бўлиб, Аллоҳнинг муборак назарида эканлиги аён. Зотан, маърифат чироғининг мунаввар нури ҳар бир фуқароси қалбига таралган Ватанда оқиллар, фозиллар, мардлар кўп бўлғуси. Табиийки, бундай диёрнинг тупроғига четдан қадам қўйгувчилар аввал ўнгу сўлига қараб оладилар. Айтмоқчи бўлган фикрларини ақл тарозусига соладилар.

Яратганга беадад шукрким, қадим Турон инсонияти ўзлигини англагандан буён ер юзида яратилган илму ҳикмат равнақига беназир ҳисса қўшган улуғ устозларга бешик бўлган муқаддас маскандир. Эндиликда маърифат истаган дунё халқлари Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд, Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Улуғбек, Навоий каби юзлаб пиру комилларимизнинг мактабларидан — илм сарчашмаларидан баҳраманд бўлмоқдалар. Уларнинг муборак руҳлари қаршисида таъзим қилганлар дунёга шундай улуғларни берган ўзбек халқига ҳам бош эгиши табиий.

Афсуски, собиқ иттифоқ, мустабид тузум даврида маърифат истаган кўнгиллар дунёга маърифат улашган ўз ота-оналарининг маънавий меросидан баҳраманд бўлолмадилар. Аввал ҳурлик, озодлик истаганлар, маърифат юлдузлари қатағон қилинди. Кейинги авлод учун уларни асарларини ўқиш таъқиқланди. Таъбир жоиз бўлса кўнгил кўзига наштар урилди. Абдулла Қодирий, Чўлпон, Абдурауф Фитрат, Усмон Носир ва яна ўнлаб ўзбек халқининг фидойи фарзандлари элни ўзлигини англашга чорлаганлари, буюк Туронга ва унинг Амир Темурдек жаҳонгирларига муносиб авлод бўлишини уқтирганлари учун азобу қийноқларга, ўлимга маҳкум этилди.

Тангрига шукурким, қора кунлар ортда қолди. Мана олти йилдирки, истиқлол биз билан. Озод инсонга Худойим ато этган барча эзгуликлардан баҳрамандмиз. Киндик қонинг томган ўз еригда она тилингда эркин сўзлаш, ота-боболарнинг муқаддас анъаналарига, диний ақидаларга содиқ қолиш имкониятига эга бўлиш — бу истиқлол берган бахтдир.

Юртбошимиз Ислом Каримовнинг катта матонати туфайли Ўзбекистон олти йилда бутун дунёнинг ривожланган мамлакатлари тан олган, ўз сиёсати, ўз иқтисодиёти билан бўй кўрсатаётган мустақил, ҳур мамлакатга айланди.

Энди Амир Темур, Улуғбек, Бобур, Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд, Ибн Сино, Беруний ва юзлаб улуғларимиз, айни пайтда бугунги истиқлолимиз билан фахрланишнинг ўзи камлик қилади. Энди фахр ва фидойилик, ғурур ва ҳалол меҳнат, юрт шаъни ва озодлигини жон қадар асраш учун шай туриш — мустақил юрт фуқароларнинг бурчи бўлиши лозим.

Ҳамиша ва ҳамма замонларда ҳам юрт муаллими зиммасига катта масъулият юкланган. Чунки муаллимга ишонган бола, устозга ишонган шогирд ҳаётга, эртанги кунга, одамларга ишонади.

ИСТИҚЛОЛ МУАЛЛИМИ — кўксида умиди, кўзида ишончи гуллаб турган жафокаш инсон! Сўзида қудрати гуриллаб турган ўқитувчи — ўз ўқувчисининг суянган тоғидир. Кимдир сизга суянмоғи ва ишонмоғи учун аввал ўзингиз имон ва эътиқодда собит бўлмоғингиз керак. Зеро, Сизга, муаллимга ҳавас бу — ўқувчи қалбида юз очаётган гумоннинг устидан, эзгуликнинг, яхшиликнинг, ишончнинг устунлигидир. Бу ёруғ йўлга қўйилган муборак қадамдир.

ИСТИҚЛОЛ МУАЛЛИМИ — бу илм истаган, ҳунармандлик орзусида юрган ёшлар йўлидаги йўлчи юлдуз, эртанги юрт эгалари катта карвонининг сарбонидир. Истиқлол муаллими тутган тарозунинг маънавият посангиси ҳамиша оғир келмоғи шарт. Зеро, таом учун, маиший орзу истаклар учун яшамоқ бу маънавият кўзгусининг синиши билан баробар. Донолар айтмоқчи, «тан ва руҳ хушхабар ила манзилга ошиққан от ва суворийдек айрилмасдир. Аммо от озиғи суворийга овқат бўла олмайди. Ҳар бирининг ўз емиши, ўз насибаси бор. Суворий отни ўз измига солмаса у эгасини манзилга эмас, охурга етаклайди».

Афсуски, ҳаётда орзу ва армон, қувонч ва ташвиш, гуноҳ ва савоб ҳамиша ёнма-ён яшайди. Яхшиларнинг барқ уриб турган гулзорида ёмонларнинг тиканлари ҳам гуллаб туради. Кўз ўнгингда қўли китоб кўрмаган ўсмир отаси обрўсидан миндириб қўйган кибр отидан тушмай, отаси топган мол дунёни сомондек совуриб ёки бир қур омади чопиб топган бойлигидан ҳаволаниб кетганларни кўриб «ўқимай ҳам яхши яшаса бўларкан-ку», деган гумон кемиради дилни.

Ана шундай дамда ўқитувчининг ҳикмат ва ҳақиқатга йўғрилган момақалдирокдай овози керак. Токи ўқувчи бу дунёда инсонга маънавий бойликдан ўзгаси вафо қилмаслигини англаб етсин. Айни пайтда илм кишисига, касб-ҳунар эгасига, санъат фидойига осмон эмаслигини, маънавият соҳиблари доимо нафсини жиловлай билишлари шарт эканлигини тушунмоқ — бу ўзликни танимоқнинг бошланишидир. Истиқлолимизнинг дастлабки йиллари бироз иқтисодий тақчилликдан эсанкираб касбини ташлаб ўзини бозорга урган муаллимлар ҳам бўлди. Аммо фидойи тарбиячилар, ўқитувчилар билдики, ҳамма бозорга сиғмайди. Сабрнинг таги эса ёруғликдир. Бугун Ўзбекистон ёшлари дунёнинг жуда қўплаб мамлакатларида таълим олмоқда. Уларни кузатиб қолган устозларини эса бошлари осмон.

1-октябрни муаллимлар ва мураббийлар куни сифатида бу йил илк бор умумхалқ байрами сифатида нишонланиши таълим-тарбия ҳамиша мамлакатимиз раҳбариятининг назар-эътиборида эканлигидан далолатдир. Бу маорифчилар чиқиши кутилаётган ёруғ тахтнинг биринчи зинасидир. Аслида эътибор ҳамма касб эгаларига, бу дунёда яшаётган ҳар бир инсонга зарур. Бутун дунё халқларининг эътибори бугун Ўзбекистонимизга қаратилган экан, ният қилайлик илоҳим тинчлигимиз барқарор бўлсин. Агарки, юрт муаллимлари тонгни тоза тилаклар билан кутиб синфларига ишончдан, покликдан, ҳалолликдан дасталанган гулдаста билан кирсалар ўқувчилар қалбида баҳор юз очади. Баҳор эса — яшашга, курашга чорловчи фасл.

Дунёда бир сўз бор, баҳордай гўзал, ноёбдайин ширин. Дунёда бир зот бор отангиздек улуғ, онангиздек меҳрибон. Сизнинг номингиз шунчалар ширин, шунчалар гўзал, азиз МУАЛЛИМ! Фарзанд, ота-она танлолмаганидек Сиз шогирд танламайсиз, Муҳтарам МУАЛЛИМ! Ҳар бир ўғил-қиз Сизнинг фарзандингиз. Шу боис, Сиз отадан улуғ УСТОЗСИЗ!

Кўп илиқ сўзлар айтгим бор шаънингизга. Сўзни эса Сиздан ўрганганим учун ҳар қандай сўз сизга маъқул келмаслигидан ҳижолатдаман. Бугун Сизларга таъзим қилаётган минглаб шогирдларингиз сафида мен ҳам борман муҳтарам УСТОЗЛАРИМ! Байрамингиз қутлуғ бўлсин Ўзбекистон МУАЛЛИМЛАРИ, шодиёна муборак Ўзбекистон тарбиячилари! Умрларингиздан, касбингиздан барака топинг!

Маҳмуд ТОИРОВ.

ЎХШАСАМ, СИЗГА ЎХШАЙ

Кўзингизда нур порлар, машъаласи илмдир,
Сўзингизда пур маъно, боис, она тилимдир.
Қалб чироғин ёқувчи — суйганингиз қаламдир,
Хазинангиз китобу, шукронаси билимдир,
Мадҳингизни куйлашга бугун дарёдай тошай,
Тили бийрон устозлар, ўхшасам, сизга ўхшай.
Сиздан қарздор зотлар кўп, фан йўлини очгансиз,
Тоғдай улкан довондан бир қадамлаб ошгансиз,
Лозим бўлса меҳрингиз қуёшдайин сочгансиз,
Илм ўргатсам дея баҳордайин шошгансиз,
Мадҳингизни куйлашга бугун дарёдай тошай,
Меҳри уммон устозлар, ўхшасам, сизга ўхшай.
Давраларнинг тўрини муносиб кўрмай ўтган,
Дам қувониб, гоҳида алам шаробин тотган,
Қўлларида бўр юқи, бармоқда сиёҳ қотган,
Дафтар узра кўз толса, тун йўқолиб, тонг отган,
Мадҳингизни куйлашга бугун дарёдай тошай,
Қалби осмон устозлар, ўхшасам, сизга ўхшай.

Маҳмуда ЗОИРХОН қизи,
Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси.

Тошкент туманидаги 25-мактаб меҳнат ўқитувчиси Зокир Жўраев кўп йиллардан буён ўқувчиларни табиатга меҳр руҳида тарбиялаб келмоқда. Болалар устозлари ёрдамида ўқув даргоҳи учун ажратилган майдонда теракзор барпо этишди. Айни кунларда 2 минг туп дарахтни ўзлари парвариш қилмоқдалар.

Суратда: З. Жўраев ўқувчилар билан теракзорда.

ЎҚУВЧИДА билимга, инсонларга, атрофимизни ўраб турган борлиққа меҳр-муҳаббат уйғотишда бошланғич синф муаллимасининг ўрни ўзгача. Қолаверса, «Илм бўстони» деб аталмиш кошонанинг дастлабки пойдевори ана шу паллада яратилади. Паркент туманидаги 27-мактаб муаллимаси Турдибиби Нодурова бу масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда, ҳамиша дарсларни пухта, амалиёт билан боғлаб ўтишга интилади.

Суратда: Т. Нодурова ўқувчилари билан.

Равиль АЛЬБЕКОВ олган суратлар.

Таълим ва ислоҳот

Республика Олий Мажлисининг IX сессияси халқ таълими тизими тараққиётининг янги таржимаи ҳолини бошлаб берганлиги билан тарихимизда муносиб из қолдириши шубҳасиз. Юртбошимизнинг мазкур анжумандаги нутқида депутатлар қабул қилган «Таълим тўғрисида»ги қонун ва «Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур»да ўқув-тарбия тизимини таркибан ва мазмунан қайта ташкил этиш ўз ифодасини топди.

Ҳозирги пайтда олий, ўрта махсус таълим муассасалари, мактабларда Президент нутқи, сессия қабул қилган ҳужжатлар атрофлича ўрганилмоқда. Улар асосида режалар тузиб олинмоқда. Вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш институти жамоаси ҳам бу борада бир қатор тадбирлар белгилади. Махсус мухбиримизнинг институт директори Дилбар МАЛИКОВА билан суҳбати ана шу мақсадда амалга оширилаётган ишларга бағишланди.

ЎЗИМИЗДАН БОШЛАШИМИЗ КЕРАК

— Дилбар Жалиловна? Сессиядан кейинги ўй-фикрлар, мулоҳазаларни билдиришдан олдин шу кунгача институтда ўқитувчилар малакасини ошириш соҳасида олиб борилаётган ишлар, тажрибалар, иш услублари тўғрисида ҳам тўхталиб ўтсангиз. Бу услубларни қаноатланарли дейиш мумкинми?

— Бир неча йиллардан буён вилоят мактаблари ўқитувчиларининг малакасини оширишга хизмат қилиб келаётган институтимиз ўз фаолиятида олий таълим тизими бўйича иш олиб бормоқда. Шунга кўра ташкил этилган 9 та кафедра, 4 та бўлимда фан докторлари ва номзодлари, олий тоифали ўқитувчилар бўлиб, 78 киши ишламоқда. Институтда муаллимлар ва мураббийлар — мактабгача тарбия, бошланғич таълим, ижтимоий фанлар, руҳият, табиий фанлар ва бошқа соҳалар бўйича ўз малакаларини оширмоқдалар. Бу жараён жадвал асосида, уларни институтдаги курсларга таклиф этиш, айни пайтда олимлар, катта тажрибали педагоглардан гуруҳлар тузиб, жойларда ўқув курсларини уюштириш орқали рўёбга чиқяпти.

Фанлар бўйича курслар йил бўйи давом этади. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, режа ишлаб чиқиш олдидан шаҳар ва туманлар халқ таълими бўлимларидан хатлар, таклифлар олинади. Улар батафсил ўрганилиб, мавзулар белгилашда назарда тутилади. Институтда мақсадли, яъни аниқ бир йўналиш бўйича малака ошириш ўқувлари ҳам бор. Бундай машғулотлар қисқа вақтга мўлжалланган бўлиб, ҳозирги давримизнинг энг муҳим воқеаларига бағишланади. Масалан, Президентимизнинг китоблари моҳиятини ўқувчиларга етказиш учун қай тарзда дарс бериш, ёки ҳуқуқий билимларни чуқурлаштирган тарзда ўтиш учун нималарга эътибор қилиш каби мавзулар шулар жумласидандир.

Хусусан, Президентимизнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» номли асарларини ўрганиш бўйича махсус тавсиялар ишлаб чиқилиб, халқ таълими бўлимлари, мактаблар ва ўқув юртларига юборилди. Ҳозир ҳар бир ўқув масканида у чуқур ўрганилмоқда. Саволингизнинг иккинчи қисмига келсак, бу ҳақда Юртбошимиз Республика Олий Мажлисининг IX сессиясида рўй-рост: «...мактабларнинг моддий базаси жуда ночор, бу масалада нақадар оқсоқлигимизни... биринчи навбатда, қишлоқ жойлардаги аҳвол-вазият мисолида очиқ тан олишимиз керак. Иккинчи масала, аввал айтганимдек, яъни ўқитувчига тақаляпти. Тарбиячиларнинг ўзига замонавий билим бериш, уларнинг маълумотини ва малакасини ошириш каби пайсалга солиб бўлмайдиган долзарб масалага дуч келмоқдамиз», дея таъкидлади.

Бу сўзлар тўлиқ бизга ҳам тегишлидир. Ҳақиқатан, таълим-тарбияда туб ўзгаришлар қилиш учун, аввало, ўқитувчи, тарбиячининг ўзи мукаммал эътиқод ва билимга, тажрибага эга бўлиши керак.

Шу нуқтаи назардан олганда сессияда қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги қонун ва «Кадрлар тайёрлашнинг миллий дастури» халқ таълимини ислоҳ қилишда ҳам Ўзбекистоннинг ўз йўлини очиб берди.

— Таъкидлаганингиздек икки муҳим ҳужжат қабул қилинди. Уларни бажариш учун тегишли ҳар бир ташкилот, муассаса, жамоа олдига катта вазифалар қўйилди. Институтда иш нимадан бошланди?

— Аввало, биз жамоа билан мазкур сессия материалларини чуқур ўрганиб чиқдик. Айни пайтда ўзимиз учун дастлабки режаларни белгилаб оляпмиз. Президентимизнинг сессиядаги нутқларидан чиқарган биринчи хулосамиз шу бўлди: ишни ҳар биримиз ўзимиздан бошлашимиз керак.

Шунинг учун ҳам институт олимлари, ўқитувчиларини бугунги талаблар асосида жиддий аттестациядан ўтказишни режалаштирдик. Ҳар бир ходимнинг билими, дунё қараши, рўй бераётган янгиликларга муносабати имтиҳондан ўтади. Иккинчидан, дарсларни назорат қилиш кучайтирилади. Машғулотларда ўқилаётган маърузалар мазмунига алоҳида эътибор қилинади. Биз энди алмисокдан қолган лекция асосида дарс ўтаётган ўқитувчи билан мутлақо келишолмаймиз. Учинчидан, ҳар бир кафедра бўлим ҳоналари, лабораториялар моддий базаси замонавий билимлар талабларига мувофиқ жиҳозлаб борилади. Тингловчи-ўқитувчига амалий шуғулланиш учун кенг имкониятлар яратилади. Токи у институтда олган қўшимча билим ва орттирган малакасини ўз синфида қўллай олсин.

Яна шуни ҳам айтмоқчиманки, институтда малака ошириш йўналишлари бундан буён кўпайиб боради. Чунки халқ таълимини ислоҳ қилиш жараёнида мактабларда янги-янги фанлар жорий этилмоқда. Бу соҳалар бўйича ҳам ўқитувчиларни қайта тайёрлаш бизнинг зиммамизда бўлиб қолаверади.

Суҳбатдош
Саидвали ҲАСАНОВ.

РАҚАМЛАР ШАРҲИ

● Вилоятимизнинг 889 та умумтаълим мактабларида 480 мингдан ортиқ ўқувчига 38 минг нафар ўқитувчи таълим-тарбия бермоқда.

● Кейинги йиллар ичида вилоятимизда таълимнинг янгича услублари ташкил этилди. Ҳозирги пайтда 31 дан ортиқ гимназия ва лицейларда қатор фанлар чуқурлаштирилган тарзда ўрганилмоқда. 33 та ҳунар билим юртларида эса кўплаб ёшлар турли касбларни эгалламоқдалар.

● Вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш институти қошидаги 130 ўринли профилакторийда педагогларни соғломлаштириш учун барча қулайликлар яратиб берилган.

● Ўз фаолиятини олий таълим тизими услубида ташкил этган мазкур институтда фаолият кўрсатаётган 9 та кафедрада 78 нафар олимлар, олий тоифали ўқитувчилар тингловчиларнинг малакаларини оширмоқдалар.

● 1997 — Инсон манфаатлари йилида шаҳар ва туманларимизда 3115 ўринли янги мактаб бинолари фойдаланишга топширилади.

● Республика Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 20 августдаги «Ўқитувчилар ва ўқувчилар турмуши моддий шароитларини яхшилашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ биргина Тошкент вилоятида биринчи синфга борган 55 минг нафар ўқувчига ўқув қуроллари бепул берилди.

ҚАНОАТ ҚАТИДА УНГАН БАХТ

— Ассалому-алайкум, ойижон...

Ироданинг саломи бўғзида қолди. Тонг ғира-шира паллада уйғониб, чиннидек супурган ҳовлиси-ю, анвойи гуллар ифори, кекса қайнотасининг дуолари бир бўлди-ю...

Ота-онасининг меҳр тўла кўзлари паноҳида улғайган маъсума келинчак шартаки қайнонасининг «Э бўлди-да, ҳар куни худди бегоналардай саломлашаверасанми, битта хонадонда яшасак, битта дастурхондан нон есак ё ўзингни кўрсатмоқчимисан?» деган дағал гапидан кўксига муздек ҳаво теккандек эти жунжикди. Ўзини озорланган ҳис этди. Ойисининг қаттиққўллигини бошидаёқ сезган эди-ю, лекин муомала бобида бу қадар шартакилигини билмаган экан. Қизиқ, дерди у ўзига ўзи, салом бериш ҳам айбми, ахир у эсини танибдики, онаси ва отасигагина эмас, эрталаб киражак ҳар бир эшигига салом бериб кирар, ака-опалари ҳам ана шундай муҳитда улғайишган эди.

«Ёки бирор хатога йўл қўйдиммикан?» Ирода ошхонага кириб, зимдан кўзига қалққан ёш томчиларини артди. Тўғри, бу хонадонда иккита келин бўлганлиги билан овсинининг ҳали бирор марта эшикдан салом бериб кирганини эслолмайди, умуман, бунга уйдагилар ўрганишмаган..

Эрталабки нонушта ҳам Иродага татимади, фақат қайнотасининг синчков нигоҳидан тортиниб бир пиёла чой ичгандек бўлди. Уч ой бир бўлди-ю, шу бир куннинг салмоғи ҳам бир бўлди. Келинчак ўз онасидек меҳр қўйишга интилаётган қайнона — Гулсум хола пешин олдидан яна тўнини тескари кийиб олди:

— Келин, тушлик вақти яқинлашди, тезроқ охират ошини пиширмайсанми? — деди зарда билан. Ироданинг баттар боши қотди: «Нима бало, ойим бугун чап ёни билан турмаганмикан?» Унинг ёш кўнглидаги жумбоқни шомга яқин ишдан қайтган овсини ечди:

— Овсинжон, эрингиз ойлигини онасига тўлиқ бермай чакки қиляпти, бир эмас, иккита жон ойимнинг қозонидан ош ичсаларинг...

— Эримнинг топгани ҳам шу уйга, опажон, — деди келинчак куюниб, — шу сафар ўзига битта шим олувди-да...

— Ҳа, — деди тасдиқлаб овсин, — қайним бечора уйланиб ҳам кийимга ёлчимади...

Ироданинг баттар кўнгли ўксиди. «Мен буларга нима ёмонлик қилдим ўзи?» Аммо кинояли гапларга ўрганмаганлиги боис унсиз уйга кириб кетди...

Шу таҳлит маломатлар кундан-кунга авж ола бошлади. Эрталаб ишдан ҳориб қайтадиган эри ҳам худди бола-чақасини боқишга аранг қурби етаётган одамдек хомушланар ва онасининг аччиқ кинояларидан ич-ичдан сиқилар эди. Ваҳоланки, уларнинг тўйи бўлиб ўтганига ҳали йил тўлгани йўқ.

Кечки овқатга ҳамма жамулжам бўлиб ўтиришганида Гулсум хола ўз «фармонлари»га имзо чекаркан, ҳали

Турмуш чорраҳаларида

дастурхонга қўл узатишга улгурмаган ўғилларига қарата пичинг қилишга тушарди: «— Фалончи фалон гектар еридан фалонча пул топибди, пистончи пистондай уй қуриб олди, сенларнинг юришингни кўриб қоним қайнайди. Э, ҳамманг ҳам отангга ўхшаб шалпайган, текинхўр эканслар...»

Шак-шубҳасиз, ўғиллар таъби олиниб, амал-тақал овқатланишар ва тезроқ ўз хоналарига тарқалишга шошилишар эди. Кампирнинг ноўрин машмашаларидан безган кекса ота ҳам тўнкарилиб ётиб оларди...

Кунлар шу зайлда ўтиб борарди. Иродага қишлоқда мутахассислиги бўйича иш топилмади. Бу орада у фарзандли ҳам бўлди. Юлдуздай порлаб қизалоқ туғилди. Унга суюб Нафосат деб исм қўйдилар. Орага ортиқча гап-сўзлар оралайвериб, эрининг феъл-атворида ҳам кўнгилга ғашлик соладиган ўзгаришлар пайдо бўла бошлади. Ирода учун энг даҳшатлиси ана шу эди! Туғруқхонадан келганига ҳафта ҳам ўтмай, қишнинг қаҳратонида рўзғор ишларига уннаб кетди. Кун бўйи ўчоққа йўламайдиган Гулсум хола ўғиллари уйдалигида қозон атрофида куймаланар ёки хўжакўрсинга супургими, қуракми олиб ҳовли тозалашга тушиб кетар эди. Бу юмушларни у қарғаниб-қарғаниб қилар, ўғилларига атайлаб эшиттириб нолигани-нолиган бўларди.

— Битта сенми туққан, белинг синсаям онамнинг қўлидан ишини ол, — дейдиган бўлди эри. Аксига олиб чақалоқ ғоят йиғлоқи эди. Ирода эса туғиш вақтида кўп қийналди. Уша оғриқлар азоби ҳали унинг ёш жисмидан аримаганди. Ботинан унинг кўнгли ўксирди: тўғри, битта мен туғмаганман, мана шу ойим бечора ҳам саккизта бола туғиб катта қилган. Бунинг учун эримдан ҳафа бўлиб ўтирсам ярашмас, лекин нега «белинг синсаям» деб қўполлик қилади? Белим синса унгаям малоллик-ку!? Келинчак ўз ёғига ўзи қовурилиб, тунларни тонгга уларди.

Бир куни овсини ғалати гап қилиб қолди: — Мен сомсаларни тандирдан узишим билан сиз хамирпечнинг орасига билдирмай тўрт дона солинг-да, ошхонага бекитиб қўйинг, ойим йўқлигида маза қилиб еб оламиз.

— Қўйсангиз-чи, овқат бекитиб ейишга юзим чидамайди, — эътироз билдирди у, — олдида есак тортиб олармиди?

— Оббо, қуёнюрак экансизку, сиздақа вақтимда менам шунақа журъатсиз эдим. Эътибор беринг, ойим биз тўймасак ҳам тўртта у қизига, тўртта бу қизига оширворади, — деди овсини куюниб, — дастурхондаги нонни синдирса келинларнинг олдига қўймайди ҳам...

Ирода шуниям сезмаган экан. Дарвоқе, Гулсум холада овсини эътироф этган ҳислатлар мавжуд эди.

«Йўқ, ҳар қандай шароитда ҳам сиқилмаслигим, қатиққўл бўлсаям оймининг кўнглига йўл топишим, айниқса, эримнинг, боламнинг бахти учун курашишим керак. Майли, қорним тўйиб овқат емасам ҳам, хонадоним тинч бўлса шунинг ўзи менга тўкинлик». У ўзини ана шундай хаёллар билан юпатиб яшай бошлади.

Бахтсиз тасодиф туфайли етмишни қоралаётган қайнона кутилмаганда зинадан йиқилиб тушиб, оёғи синди. Кексалик сабабми, дард уни тўшакка михлади.

Бошда қизлари парвона бўлиб туришди-ю, кейин уй-уйларига тарқалишди. Ахир, чиққан қиз чийрикдан ташқари, дейдилар. Овсини ҳам ёзда янги уйга кўчиб кетган. Рўзғор юмушлари ёлғиз Ироданинг зиммасига тушди. У бундан сира нолимас эди, аксинча, Гулсум холани оқ ювиб, оқ таради, хатто зерикмаслиги учун қизиқ-қизиқ китоблар ўқиб бериб юрди. Келган-кетган ҳам бу хонадоннинг кенжа келинига ҳавас билан қарайдиган бўлишди. Қайнотаси-ку, кеча-ю кундуз дуо қилиб чарчамайди. Қайнона ҳам шаштидан тушган. Энди уни илгаригидек келин деб эмас, болам-бўтамлаб чақиради. Унга беҳуда етказган озорлари учун ўзини ич-ичидан коийийди...

Фақат бағрибутун қалб эгаси, ота-онасининг яхши тарбиясини олиб улғайган фаросатли ва назокатли келинчак ўзининг сабр-тоқати ва ақли билангина чинакам бахтга эришганини сезмас эди...

Нигора.

Мушоира

Муҳаббат берган илҳом

БАХТ

Сизни Мажнун этган мен
бўлсам агар,
Бахтлиман, бахтлиман нақадар.
Керакмас сўз билан
ишонтирмоқ, йўқ,
Кўзингиз тубида ётсин ул гавҳар.

Ҳеч кимга, ҳеч кимга берманг
сиз уни,
Кўзингиздан бўлак макон тутмасин.
Сизга малҳам бўлай, Мажнуним,
Ишқ отлиғ ярангиз
сира битмасин...

Нигора ЖАЛОЛИДДИН қизи.

ЁНИМДА БЎЛСАЙДИНГ...

Бағрим зирқиратар тилинган
жоним,
Гажжак зулфларингга илинган
жоним,
Дарди тундлигидан билинган
жоним,
Мен қандоқ кулайин
яро дил билан.

Осмоним пасайиб,
бошим эгилди,
Сочимга бир туман
лайлак тўкилди.
Кулмаган омадим устимдан
кулди,
Мен қандоқ кулайин
яро дил билан.

Сен ёнимда бўлсанг,
кулсам бўларди,
Кокилларинг бемор жоним
силарди.
Жилмайсанг лабимга
ҳанда тўларди,
Мен қандоқ кулайин
яро дил билан...

Шуҳрат ТОҲИР.

ИККИМИЗ

Биз икки оламмиз, икки дарёмиз,
Мен еру, сен осмон,
бир-бирдан узоқ.
Гоҳ севар, гоҳ севмас,
гоҳо рўёмиз,
Гоҳ меҳр йўлига қўйилар тузоқ.

Қўнимин билмаган қушлар
иккимиз,
Дил ёзилиб кетмас — касалманд
ҳануз.
Ростга айланмаган тушлар
иккимиз,
Қаршингда тиз чўксам дерсан,
умид уз!

Эшикни очмоққа қўлимиз
бормас,
Кўнгиллар узилмас,
боғланмас излар.
Токай шубҳалардан ўртанар қалб,
бас,
Бас энди ёлғончи,
ўткинчи сўзлар!

Юлдузин тополмай ўтган
мусофир —
Биз икки йўловчи тақдир
саройда.
Энди мен қайларга кетайин,
гапир,
Меҳрим меҳрсизга таланган
жойда?

Санобар ҚОДИРОВА.

ИШҚ ҚУШИҒИ

Гул ёзганда кўнгил баҳори,
Кулганида умрим наҳори,
Қўлларимда муҳаббат тори
Сайрамасми айт, бийрон-бийрон.

Ёр, сенгадир, боғим гуллари,
Сенга бахтнинг ойдин йўллари,
Ажабланма ишқ булбуллари
Қалбим розин айтсалар равон.

Қўлимдаги тор бир баҳона,
Аслида сен маҳбуб ягона.
Қўшиғим бор — оҳ, ошиқона,
Элга этгай севгимни достон.

Қўлимдаги тор бир баҳона...

Абдуқодир ҚАЮМОВ.

Оламни безайди гулдай ҳунар, қиз,
Кулгулари кундай, меҳнатсевар, қиз,
Санъатинг бир олам, қалбинг бир олам,
Элга зар кийдирган дилбар, чевар, қиз...

энг, ЭНГ, ЭНГ...

ЭНГ БАДАВЛАТ ОДАМ

«Форбс» журналида эълон қилинган пулдорлар рўйхатида яна «Майкрософт» компаниясининг асосчиларидан бири ва унинг президенти Билл Гейтис юқори ўринни эгаллади.

Ушбу йиллик рўйхатдан АҚШнинг энг бадавлат 400 фуқароси ўрин олган. Шунингдек, журналда ёзилишича, 41 ёшли Б. Гейтиснинг шахсий маблағи айни вақтда 39,8 миллиард долларни ташкил этади.

«ЭНГ БАЛАНД МИНОРА»

Истамбулда дунёдаги энг баланд минора қуриб битказилди. «Лего» номли қўғирчоқлар фирмаси тайёрлаган елим ғиштлар билан «кўтарилган» бу миноранинг баландлиги 24,17 метр бўлиб, қурилишга 2 миллион 365 минг дона елим ғишт ишлатилди.

Мазкур тадбир БМТнинг болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ) томонидан ташкил этилган. Ушбу минора томошасидан тушадиган маблағ эса мамлакатдаги болалар соғлиғини сақлаш учун сарфланади.

(ЎзА).

Об-хаво

ҲАРОРАТ ПАСАЙМАЙДИ

Гарчанд кузнинг иккинчи ойи — октябрь бошланган бўлса-да, ёз ҳарорати осонликча жаннатмакон диёримиздан бош олиб кетишни хоҳламаётир.

Республика гидрометеорология марказининг хабарига кўра 1—3 октябрь кунлари Тошкент шаҳри ва вилоятимизда об-ҳавонинг қисман ўзгариши кутилади. Ҳарорат кечалари 11—16, кундуз кунлари эса 29—34 даража иссиқ бўлади. Ҳафтанинг иккинчи ярмида эса ҳаво кечалари 9—14, кундуз кунлари 26—30 даража атрофида бўлади.

Жаҳон биринчилиги

СЎНГГИ УМИД ҲАМ УШАЛМАДИ

ЎЗБЕКИСТОН — БИРЛАШГАН АРАБ АМИРЛИКЛАРИ — 2:3 (1:0).

Тошкент. 27 сентябрь. «Пахтакор» Марказий ўйингоҳи. 50.000 томошабин.

Ўзбекистон: Филиппов, Хвостунов, Шоймардонов, Қосимов, (Абдураимов, 72), Мамотов, Ширшов, Маъруфалиев (Давлетов, 59), Лебедев, Пирматов (Бозоров, 74), Шквирин, Мақсудов.

БАА: Мухсин Мусабах, Али Ғулом, Рашид Исмоил, Ҳасан Муборак (Муҳаммад Али, 46), Абдусалом Жуман, Аҳмад Иброҳим (Бахит Саад, 61), Ҳасан Саид, Одил Муҳаммад, Зухайр Бахит, Жасим Юсуф (Аднан ал-Таляни, 79).

Ҳакам Моради Жалол (Эрон).

38-дақиқада Мамотов огоҳлантириш олди, 42-дақиқада Мақсудов майдондан чиқариб юборилди.

РЕСПУБЛИКАМИЗНИНГ бош ўйингоҳи «Пахтакор»га яқин йиллар ичида бунчалик кўп муҳлис келмаган эди. Учрашув олдидан таниқли санъаткорларнинг томошасига бошчилик қилган Ёдгор Саъдиев ажойиб хушхабар, яъни Миржалол Қосимов терма жамоамиз сафида майдонга тушажагини маълум қилиб, муҳлислар кайфиятини янада кўтариб юборди. Учрашув бошланиши олдидан ишқибозлар яхши ният билан бир неча бор жонли «денгиз тўлқини» ясаб, «Ўзбекистон», «Ўзбекистон», дея ҳис-ҳаяжонларини яшира олмадилар. Муҳлисларнинг бу руҳий мадади футболчиларимизга куч-қувват бағишлагандек эди. Дастлабки дақиқаларданоқ ҳужумга ўтган майдон эгалари муҳлисларни узоқ куттириб қўймадилар. 12-дақиқада Николай Ширшов кучли зарб билан ҳисобни очди. Ишқибозлар ўринларидан туриб бу муваффақиятни олқишлар билан қарши олдилар. Сўнгра Игорь Шквирин бир неча бор рақиб ҳимоячиларини ёриб ўтишга уринди. Бироқ меҳмонларимиз ҳимоячилари унинг йўлига ғов бўлишди. 40-дақиқада қанотдан олдинга интилган Шухрат Мақсудовни меҳмонлар ўз жарима майдонларида йиқитишди. Ҳакам 11 метрлик белгини кўрсатди. Ўйингоҳ бир зум сукутга чўмди. Миржалол Қосимов тўпни ўн бир метрлик белгига қўяр экан, муҳлислар юраги бир сонияга тўхтагандек туюлди. Миржалол тўпни дарвоза чап бурчагига йўллади. Муҳсин Мусабах уни қайтариб қолишга муваффақ бўлди. Ана шундан кейин асаблар жанги бошланди. Шухрат Мақсудовнинг Рашид Исмоил билан «ҳисоб-китоби» футболчимизнинг майдондан четлатилиши билан якунланди. Бирлашган Араб Амирликлари сингари кучли жамоага қарши учрашувда сон жиҳатдан камчил бўлиб ўйнаш фожеа эканлиги иккинчи бўлимда исботланди. Аввалига Зухейр Бахит (56-дақиқа) ҳисобни тенглаштирди. Сўнгра Бахит Саад (64-дақиқа) жамоасини олдинга олиб чиқди. Учрашув тугашига олти дақиқа қолганда Ал Таляни ўнг қанотдан тўпни Филиппов устидан ошириб дарвозага йўллади. Фақат учрашувнинг сўнгги дақиқасидагина меҳмонлар дарвозабони хатосидан фойдаланган Равшан Бозоров иккинчи жавоб тўпни кирита олди.

Ўтаасабий ҳолда Ўзбекистон — БАА ўйинидан муҳлислар ниҳоятда хафа бўлиб уйларига қайтишди. Учрашувдан сўнг жамоа мураббийлари билан ўтказилган матбуот конференциясида терма жамоамиз раҳбарлари қатнашишга юзлари чидамади. Бирлашган Араб Амирликлари бош мураббийси бразилиялик мутахассис Лори Сандри фикри шундай бўлди: «Агар сизлар ўн бир метрлик жарима тўпини киритганингизда ўйин бошқача тус олган бўларди. Мағлубиятга учрашингизнинг асосий сабаби иккинчи бўлимда ташаббусни ва майдон ўртасини бериб қўйганингизда бўлди. Бундан биз осонлик билан фойдаландик».

Лўнда ва аниқ шарҳ. Эҳтимол, Ўзбекистон терма жамоаси мураббийлари бу гал бир қатор етакчи ўйинчилар, хусусан, дарвозабон Павел Бугало, ҳимоячи Андрей Федоров, шунингдек моҳир ҳужумчи Олег Шацких ҳамда Абдуқаҳҳор Маъруфалиев, Бахтиёр Қамбаралиев, Илҳом Шариповларнинг ўйнай олмаганлигини рўкач қилишар. Павел Бугало, Андрей Федоров ва Олег Шацких огоҳлантириш олишганлиги сабабли ўйнай олишмади. Қолган уч футболчи эса шикастланганлиги сабабли майдонга тушмади. Шухрат Мақсудов эса асабини жиловлай олмай қилган қилиғи жамоамизга нақадар қимматга тушганлигини тасаввур эта олармикан?! Мағлубиятимизнинг бош сабабларидан бири жамоамиздаги интизом эмасмикан? Огоҳлантиришлар, майдондан чиқариб юбориш, ўн бир метрлик тўпни кирита олмаслик... кўпчилик муҳлислар қатори мени ҳамон нега жарима тўпини Миржалол Қосимов тепди, деган савол қийнайди. Ахир у жароҳати туфайли узоқ вақт футбол ўйнамаган, машғулотларни эса яқинда бошлаган ва ҳали тўла спорт формасига кириб улгурмаган эди. Бошқа ўйинчи тепганда, ҳисоб 2:0 бўлганда, ютганимизда... деган хаёллар тарқ этмаётир. Ўта муҳим учрашувни бой берганлигимизга изоҳ қидираман. Нуқсонларимизни ҳаспўшламасдан, очиқроқ англагим, топгим келади. Бу нуқсонлар мен қатори минг-минглаб футбол муҳлисларининг ҳам юрагини эзмоқда. Улардан тезроқ холи бўлмас эканмиз, нафақат жаҳон биринчиликларида, балки Осиё миқёсида ўтказиладиган мусобақаларда, халқаро турнирларда ҳам муваффақиятдан умид қилмаса бўлади. Лекин ноумид шайтон дейдилар. Ўзбекистон футболчилари жаҳон биринчилигининг финал баҳсларида қатнашадиган кун келади. Бу сафаргисидан умидимиз узилган бўлса-да, кейингисидан умидвор бўлиб яшаб ўша кунлар тезроқ келишини кутамиз.

Шарофиддин УМУРЗОҚОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг спорт шарҳловчиси.

ПОЛВОНЛАР УСТОЗИ

Ражаббой ўрта мактабда ўқиб юрган кезлариданоқ спортга айниқса, унинг юнон-рум кураши турига қизиқарди. Бу ҳавас уни Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия институтининг юнон-рум кураши факультетига кириб ўқишга даъват этди.

ИМТИҲОН ва синовлардан муваффақиятли ўтгач талаба бўлишдек бахтга муяссар бўлди. У институтда ўқиб юрган кезларида ҳам ўзининг тиришқоқлигию, касбига меҳр-муҳаббати кучли эканлигини кўрсатди. Вилоят, республика ва бутуниттифоқ турнирларида қатнашиб, совринли ўринларни эгаллади. Ёш, иқтидорли спортчи учун, айниқса, 1980 йил самарали бўлди. У Жиззах шаҳрида ўтказилган республика биринчилигида чемпионликни қўлга киритди.

Ҳозирги кунда Ражаббой Назаров 2-болалар ва ўсмирлар спорт мактабида мазкур кураш тури бўйича ёшларга сабоқ бермоқда. Спорт усталари Н. Тастанов, А. Иброҳимов, спорт усталигига номзодлар Б. Шерматов, Т. Шерматов, А. Умарбеков, Ш. Пирматов ва бошқа спортчилар унинг шогирдларидир.

Полвонлар устози айни кунларда ҳам ёш спортчиларга кураш сир-асрорларини қунт билан ўргатмоқда.

Абдураҳим МАТҚУЛОВ.

КИМ ОШДИ САВДОСИГА МАРҲАМАТ!

Тошкент вилояти Кўчмас мулк биржаси Тошкент вилояти хусусийлаштириш бўлими билан биргаликда қуйидаги Ким ошди садосини ўтказади.

Савдога Тошкент вилоят халқ банкининг ҳудудий бўлимларининг иншоот ва автотранспорт воситалари қўйилади.

Сотиладиган бино номи ва автомашиналар русуми	сони	сатҳи кв.м.	Бошланғич нархи минг сўм	Манзили
Қурилиши тугалланмаган маъмурий бино	1	1940,0	14772,9	Келес шаҳри, Тошкент тумани
«ИЖ-Комби» автомашинаси	1	—	107,5	Келес шаҳри, Тошкент тумани
Қурилиши тугалланмаган бино	2	72,0	3505,4	Ҳўжақўрғон қишлоғи, Қибрай тумани
Шохобча биноси		72,0	3757,4	Қибрай тумани, Ҳўжақўрғон қишлоғи, Набережная кўчаси.
Тўрт қаватли турар-жой биносининг биринчи қавати	1	650,0	6676,2	Янгийўл шаҳри Наврўз даҳаси
Қурилиши тугалланмаган шахобча биноси	1	72,0	2531,2	Қуйичирчиқ туманидаги Мингчинор қишлоғи
«Москвич-21412» автомашинаси	1	—	161,3	Қуйичирчиқ туманидаги Дўстобод шаҳри
Қурилиши тугалланмаган шахобча биноси	1	72,0	965,3	Ангрен шаҳри, Северная кўчаси
Шахобча биноси пойдевори	2	72,0	128,5	Пскент шаҳридаги МК интернати, Фурқат кўчаси
«Москвич-21412» автомашинаси	1	—	129,0	Бўка шаҳри
«Москвич-21412» автомашинаси	1	—	107,5	Оҳангарон шаҳри

Савдолар Тошкент вилояти ҳокимлиги биносида 1997 йил 10 октябрь куни соат 10.00 да бошланади.

Республика Кўчмас мулк биржаси Тошкент вилояти бўлимининг манзилгоҳига қуйидаги телефонлар бўйича мурожаат қилишингиз мумкин: 133-29-52, 133-77-18.

КИМ ОШДИ САВДОСИГА ШОШИЛИНГ!

ТАШКИЛОТ
ЦЕМЕНТ ВА ҚУЙИДАГИ
ЭШИК ВА РОМЛАРНИ:
«ДГ 2,1—0,9», «ДГ 2,1—1,3».
«ДГ 2,1—07», «ДО 2,1—0,9».
«ДО 2,1—1,3», «БС 2,2—0,75».
«ОС 1,8—1,2», «ОС 0,6—0,9».
СОТАДИ
ДАВЛАТ АНДОЗАСИ БЎЙИЧА ЭШИК, РОМ ВА УЛАРНИНГ РЕЙКАЛАРИНИ ТАЙЁРЛАБ БЕРИШ УЧУН БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ.
Манзилимиз: Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, «Эски қовунчи» қўрғони, Фурқат кўчаси, 14-уй. Мўлжал — «Ёғ-мой комбинати» қаршисида.
ТЕЛЕФОН: (8-258) 62-483, (8-37-160) 29-703.

Шайхонтоҳур туманидаги «МАГНА-КИВ» хусусий фирмаси тугатилади. Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида 68-31-78 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

Аналитик ва торсион-500 Мг тарозилари сотилади. Т. 41-39-65.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни жамоаси «Навбаҳор» санаторий-профилакторийси бош врачи Ҳамроқул Усмонқуловга онаси
Нозигул ЭШОНҚУЛОВАнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOSHKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 33-40-48; Эълонлар: 33-99-15, 36-57-27.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0657. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Музаффар ҚЎЧҚОРОВ. Адади 8.771 нусха.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 64672. Босишга топшириш вақти – 20. 30. Босишга топширилди – 21.00. 1 2 3 4 5 6